



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iybar

119 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Оллоёр Султонбой” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига қайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Оллоёр Султонбой” фермер хўжалиги бошлиғи С.Ортиқовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига қайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига кишлок хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Оллоёр Султонбой” фермер хўжалиги бошлиғи С.Ортиқовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг бир қисмидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Оллоёр Султонбой” фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ғалаба ҳудудидаги “Оллоёр Султонбой” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган **624-контурдаги жами 8,7 гектар, шундан 8,3 гектар экин ери, 0,4 гектар ариқ ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер майдони** туман ер захира фондига қайтарилсин ва танловга қўйилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) Ғалаба ҳудудидаги “Оллоёр Султонбой” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг бир қисмини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира

фондига қайтарилишини ҳамда фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилган қишлоқ хўжалиги ер харитаси бўйича 234, 235, 236, 379, 380, 384, 385, 245, 358, 359, 360, 361, 362, 363, 364, 366, 367, 583, 626, 211, 212, 213, 216, 337, 349, 350, 351, 352, 386, 389, 390, 391, 394-контурлардаги жами 117,8 гектар, шундан 105,7 гектар экин ери, 0,2 гектар мева боғи, 0,6 гектар узумзор, 3,1 гектар тутзор, 6,6 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 1,4 гектар йўллар остидаги, 0,2 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан иборат бўлган ер майдони бўйича фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тузишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев